



## AKTUAR MOLIYA VA BUXGALTERIYA HISOBI ILMIY JURNALI

Vol. 5 Issue 02 | pp. 157-170 | ISSN: 2181-1865  
Available online <https://finance.tsue.uz/index.php/afa>

### ЎЗБЕКИСТОНДА ТУРИЗМ СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ДАВЛАТ-ХУСУСИЙ ШЕРИКЛИК МОДЕЛЛАРИНИ ТАТБИҚ ЭТИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ



**Назарова Раъно Рустамовна,**

Иқтисод фанлари доктори, профессор,  
Тошкент давлат иқтисодиёт университети

**Сайдов Уткир Уралбоевич,**

Туризмни ривожлантириш илмий-тадқиқот институти тадқиқотчиси

**Аннотация:** Ушбу мақолада Ўзбекистонда туризм соҳасини ривожлантиришда давлат-хусусий шериклик (ДХШ) моделларини татбиқ этишнинг асосий йўналишлари таҳлил қилинган. Туризм инфратузилмасини такомиллаштириш ва хизматлар сифатини ошириш учун давлат ва хусусий сектор ўртасида самарали ҳамкорлик механизmlарини жорий этиш зарурлиги таъкидланган. Жаҳон тажрибасидан келиб чиқиб, ДХШ моделларининг турли шакллари ва уларнинг Ўзбекистон шароитидаги татбиқи таҳлил қилинган. Шунингдек, жаҳон миқёсида кенг қўлланилаётган ДХШ моделлари ва уларнинг самарадорлигига доир назарий ёндашувлар қўриб чиқилган. Тадқиқот доирасида Ўзбекистонда туризм соҳасини барқарор ривожлантиришга қаратилган инновацион иқтисодий модел таклиф этилган.

**Калит сўзлар:** Туризм, давлат-хусусий шериклик, инвестиция, инфратузилма, барқарор ривожланиш, иқтисодий модел, инновация, давлат сиёсати, концессия, хусусий сектор.

Ўзбекистон туризмга иқтисодиётнинг стратегик сектори мақоми берилиши билан миллий иқтисодиётда унинг улушини ошириш, бой туризм салоҳияти ва имкониятларидан самарали фойдаланиш орқали аҳоли даромадларини ошириш ҳамда ишсизлик даражасини тушириш имконияти мавжуд. Ушбу имкониятдан фойдаланишнинг самарали воситаларидан бири сифатида ДХШ механизmlарини қўллаш ҳисобланади.

Шунингдек, Бунунги кунда жаҳон миқёсида экологик муаммолар чуқурлашиб бораётган, яшил иқтисодиётни ривожлантириш, табиатни муҳофаза қилиш, маҳаллий маданият ва қадриятларни асраш ва ижтимоий тараққиётни таъминлаш шароитида барқарор туризм ривожланиши мухим аҳамият касб этмоқда. ДХШ механизmlаридан самарали фойдаланиш эса барқарор туризмни ривожлантиришнинг мухим омили ҳисобланади.

ДХШ тушунчаси қўплаб олимлар томонидан турлича таърифланади. Бугунги кунга қадар ДХШ тушунчасининг барча томонидан бир хил тан олинган таърифи мавжуд эмас. Бироқ, жаҳон миқёсидағи бир қатор илмий ва амалий ишларда қўлланиб келинаётган ҳамда умумийликка яқин бўлган таърифларни келтириб ўтиш лозим.

Жумладан, иқтисодчи олим В.Г. Варнавскийнинг таърифлашича ДХШ – бу давлат ва бизнес ўртасидаги институционал ва ташкилий ҳамкорлик бўлиб, икки томоннинг моддий ва номоддий ресурсларини ўзаро манфаатли шартномавий асосда бирлаштиришни назарда тутади<sup>1</sup>.

АҚШнинг Давлат-хусусий шериклик бўйича миллий кенгаши ижрои директори Р. Норментга кўра, ДХШ – ҳар қандай даражадаги давлат тузилмаси ва хусусий сектор ташкилоти ўртасидаги шартномавий келишувдир. Ушбу келишув орқали ҳар икки секторнинг кўникма ва активлари жамоатчилик фойдаланиши учун хизматлар ёки обьектларни яратиш мақсадида бир-бирини тўлдиради. Ресурслардан биргалиқда фойдаланиш билан бир қаторда, ҳар бир томон потенциал хавфлар ва фойдани бўлишади<sup>2</sup>.

Америкалик профессор П. Розенаунинг тадқиқотлари шуни кўрсатади, ДХШ ҳам бозорнинг, ҳам давлатнинг муваффақиятсизликларини олдини олишга қодир бўлган ҳуқуқий кооперация шакли сифатида пайдо бўлди ва ҳар икки томоннинг энг яхши жиҳатларини шундай уйғунлаштириши мумкинки, натижада синергетик ижобий таъсир юзага келади<sup>3</sup>.

Г. Брамвелл ва Б. Лейн ўз тадқиқотларида туризмни барқарор ривожлантиришда давлат ва хусусий сектор ҳамкорлигининг аҳамиятини таъкидлайдилар. Уларнинг фикрига кўра, туризм инфратузилмасини шакллантиришда ҳукumat ва бизнес вакиллари ўртасида самарали шерикликни йўлга қўйиш мухимдир<sup>4</sup>.

Туризм индустряси глобал иқтисодиётта катта ҳисса қўшади, аммо унинг тезкор ўсиши атроф-муҳит ва маҳаллий жамоатчилик учун жиддий хавфлар туғдириши мумкин<sup>5</sup>. Барқарор туризмнинг ривожланиши ушбу салбий таъсиirlарни камайтиради ҳамда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, маҳаллий маданият ва қадриятларни асраб қолиш ва иқтисодий ривожланишни қўллаб-куvvatлашга қаратилган амалиётларни тарғиб қиласи.

Бугунги кунда жаҳон миқёсида ДХШнинг қўплаб механизм ва моделларидан самарали фойдаланиб келинмоқда. Бунда ҳар бир давлатнинг ўзига ҳос хусусияти, салоҳияти ва қўлланиш соҳаларини ҳисобга олиш лойиҳалар самарадорлигини оширишнинг мухим жиҳати ҳисобланади.

Шу нуқтаи назардан, жаҳон миқёсида кенг қўлланиб келаётган ДХШ механизм ва моделларини (1-жадвал) кўриб чиқиб, шу асосда Ўзбекистон учун мос бўлган механизм ва моделлар ҳақида фикр юритиш лозим.

<sup>1</sup> Варнавский В.Г., Партнерство государства и частного сектора: форма, проекты, риски. Москва, Наука, 2010.

<sup>2</sup> Norment R. Fundamentals of Public-Private Partnerships (PPPs), 2007: [www.ncppp.org](http://www.ncppp.org).

<sup>3</sup> Rosenau P. Public-Private policy partnerships // Cambridge, MA: MIT press, 2000.

<sup>4</sup> Bramwell B. and Lane B. Towards innovation in sustainable tourism research? Journal of Sustainable Tourism, Vol. 20, No. 1, pp. 1-7, 2012.

<sup>5</sup> UNEP Report on Ecotourism and PPPs, Costa Rica Case Study, 2020.

## 1-жадвал

Жаҳон миқёсида кенг қўлланувчи ДХШ механизмлари типологияси<sup>6</sup>

ДХШ механизлари (турлари)	Қисқача характеристикаси
<b>BTO</b> ( <i>Build, Transfer, Operate</i> ) – қуриш, топшириши – эксплуатация /бошқарии;	Хусусий ҳамкор молиялаштиришни ташкил этиш, лойихалаш, қуриш ва эксплуатация қилиш билан шуғулланади. Механизм объектнинг давлатга топширилишини назарда тутади, лекин қурилиш тугагандан сўнг, аввал хусусий ҳамкорга фойдаланиш учун берилади. Кейин эса эгалик ҳуқуқисиз унга ўтади. Бу механизм давлат корхонаси (МЧЖ, ДУК ва бошқалар) бошқарувчи субъект бўлган ҳолатларга мос келади, шунингдек, айрим концессиялар учун қўлланилади.
<b>BOT</b> ( <i>Build, Operate, Transfer</i> ) – қуриш, эксплуатация /бошқарии, топшириши	Ушбу механизм асосан концессиялар доирасида қўлланилади. Инфратузилма обьекти хусусий сектор ва давлат маблағлари ҳисобига барпо этилади. Концессионер қурилиш тугагандан сўнг обьектни маълум муддат эксплуатация қилиш ҳуқуқига эга бўлади, шу вақт ичидан киритилган маблағларини қайтариб олиши лозим. Белгиланган муддат тугагандан кейин обьект давлатга топширилади. Концессионер ушбу давр мобайнида обьектдан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлади, бироқ обьект мулқдори давлат ҳисобланади.
<b>ROT</b> ( <i>Rehabilitate, Operate, Transfer</i> ) – таъмирлаш, эксплуатация қилиши, топшириши	BOT механизми билан ўхшаш. Объектни реконструкция қилиш (қайта тиклаш) ва кейинчалик уни концессия асосида эксплуатация қилиш, сўнг давлатга топширишни назарда тутади.
<b>BOOT</b> ( <i>Build, Own, Operate, Transfer</i> ) - қуриш, эгалик қилиши, бошқарии, топшириши	Бу холда, хусусий шерик келишув муддати давомида нафақат фойдаланиш, балки эгалик ҳуқуқини ҳам олади. Муддат тугагач, обьект давлатга топширилади. Бу механизм концессияларда қўлланилиши мумкин, бу ерда давлат қурилиши молиялаштирумайди, лекин лойиҳани бошловчи (буюртмачи) сифатида иштирок этади.
<b>BOLT</b> ( <i>Build, Own, Lease, Transfer</i> ) – қуриш, эгалик қилиши, ижарага бериш, топшириши	BOOT га ўхшаш, лекин давлат томонидан лойиҳадаги ўз улуси сифатида топширилган мулкнинг бир қисмини лизинг (ижара) механизми билан бошқарилади. Бу механизм концессиялар ва ДХШ шартномаларида қўлланилади, бу ерда давлат обьектни реконструкция қилишини молиялаштирумайди, лекин хусусий шерикка фаолиятни кенгайтириш учун лизингта беради.
<b>BLOT</b> ( <i>Build, Lease, Operate, Transfer</i> ) – қуриш, ижарага олиши, бошқарии, топшириши	Қуриш, ижарага олиш, бошқарииш ва топшириши.
<b>BOO</b> ( <i>Build, Own, Operate</i> )	Хусусий шерик обьектга эгалик ҳуқуқини олади. Келишув

<sup>6</sup> Морковская Е.И., Механизмы государственно-частного партнерства, Теория и практика // Учебник и практикум, Москва, «Юрайт», 2019 г.

- қуриш, өгалик қилиш, бошқарыш	муддати давомида объект фаолияти түғридан-түғри давлат томонидан тартибга солинади. ДХШ шартномаси муддати тугагач, хусусий мулк бўлган объект хусусий шерик томонидан ўз истагига кўра ишлатилади.
<b>BBO</b> ( <i>Buy, Build, Operate</i> ) - сотиб олиш, қуриш, бошқарыш	Сотиб олиш, қуриш ва бошқарыш.
<b>BRO</b> ( <i>Brownfield contract</i> – мақсадли фойдаланишини сақлаб қолган ҳолда реконструкция шартномаси)	Хусусий шерик мавжуд объектни реконструкция қилиш учун жалб қилинади ва реконструкция тугагач, давлат томонидан белгиланган мақсадли фойдаланишини сақлаб, объектта өгалик ва фойдаланиш хуқукини олади. Бундай лойиҳаларда давлатнинг молиявий иштироки минимал бўлиши мумкин.
<b>BOMT</b> ( <i>Build, Operate, Maintain, Transfer</i> ) - қуриш, бошқарыш, техник хизмат кўрсатиш, топшириш	Хусусий шерикнинг қурилган инфратузилма объектларини сақлаш ва жорий таъмиrlаш масъулиятига алоҳида эътибор қаратилади. Муддат тугагач, объект давлатга топширилади.
<b>Lease contract</b> ( <i>Давлат мулкини лизингга (ижарага) бериш</i> )	Бу механизм давлат объектларини сақлаш харажатларини камайтириш ва хусусийлаштиришдан даромад олиш учун ишлатилади. Мавжуд объект реконструкциясиз хусусий шерикга узоқ муддатли молиявий ижарага (лизинг) берилади. Баъзи ҳолларда объектни қуриш/реконструкция қилиш давлат томонидан молиялаштирилиб, кейин лизингга берилади (пилот лойиҳалар, инновацион инфратузилма).
<b>LDO</b> ( <i>Lease, Develop, Operate</i> ) - ижара, модернизация, эксплуатация	Ижарага олиш, модернизация ва эксплуатация қилиш.
<b>LDT</b> ( <i>Lease, Develop, Transfer</i> ) - ижара, ривожлантириш, топшириш	Хусусий шерик ишлаб турган давлат мулкини ижарага олади. Объектни реконструкция ва ривожлантириш (одатда кенгайтириш) билан шуғулланади ва уни эксплуатация қиласди. Муддат тугагач, объект яна давлатга топширилади.
<b>DBOOT</b> ( <i>Design, Build, Own, Operate, Transfer</i> ) - лойиҳалаш, қуриш, өгалик қилиш, эксплуатация/бошқарыш, топшириш	Бу турдаги келишувларнинг хусусияти шундаки, хусусий шерик нафақат инфратузилма объектини қуриш, балки уни лойиҳалаш учун ҳам масъулдир. DBFO ( <i>Design, Build, Finance, Operate</i> – лойиҳалаш, қуриш, молиялаштириш, эксплуатация/бошқарыш) типдаги келишувларда хусусий шерикнинг инфратузилма объектларини қуришни молиялаштириш учун масъулияти алоҳида белгиланади.
<b>D&amp;B</b> ( <i>Design and Build</i> ) – лойиҳалаш ва қуриш, <b>DBM</b> ( <i>Design, Build, Maintain</i> ) – лойиҳалаш, қуриш, техник хизмат кўрсатиш). “калит	Хусусий шерик объектни лойиҳалайди ва “калит топшириш”гача қуриб чиқади, сўнгра уни эксплуатация учун давлатга топширади. DBM шартномаларида хусусий шерик қурилган объектларнинг жорий таъмиrlари учун ҳам масъул бўлади, аммо уларни давлат эксплуатация қиласди.

<i>топшириши</i> " шартномалари	
<i>O&amp;M (Operation and Maintenance)</i> - эксплуатация ва техник хизмат, <i>S&amp;M (Service and Management)</i> хизмат ва бошқариш. <i>Бошқарув шартномаси</i>	Хусусий шерикка (профессионал бошқарув компаниясига) объектни эксплуатация/техник хизмат/бошқариш масъулияти юкланади, бунда қуриш/реконструкция давлат томонидан амалга оширилади.
<i>LO (License, Operation, Maintenance, Service)</i> - Лицензия, эксплуатация, техник хизмат, хизмат кўрсатиш	“Хукуқ (лицензия) олиш – оммавий хизмат кўрсатиш”
<i>DBFO (Design, Build, Finance, Operate)</i> - лойиҳалаши, қуриши, молиялаштириши, бошқариши	Хусусий сектор лойиҳалаштириш, қурилиш, молиялаштириш ва бошқариш жараёнларини амалга оширади.
<i>Finance Only</i>	Фақатгина молиялаштирища иштирок этиш

Замонавий амалиётда ДХШнинг турли шакл ва механизмлари бўлгани каби унинг асосий **3 та** принципиал моделлари мавжуд. Улар **ташкилий, молиявий ва кооперация** моделлариидир. ДХШнинг ушбу моделлари назарий тушунчалар учун қулайроқ, аммо амалиётда келишувнинг аниқ моҳиятини яхшироқ акс эттирадиган шакл ва механизмлар қўлланилади, баъзан эса бир нечта моделнинг хусусиятларини ўзида мужассамлаштиради<sup>7</sup>.

Бугунги кунда Ўзбекистонда амалга оширилаётган ДХШ лойиҳалари таҳлили асосида айтиш мумкинки, Ўзбекистонда асосан ДХШнинг **ВОТ** механизмидан фойдаланилмоқда. ДХШ механизм ва моделларини танлашда худуд ва лойиҳанинг ўзига хослиги ҳамда бошқа кўплаб ташқи омилларга эътибор қаратиш лозим.

Шу нуқтаи назардан, ДХШнинг янги моделларини илмий асосланган ҳолда ишлаб чиқиши Ўзбекистон туризм индустрисини жадал ривожлантиришнинг истиқболли йўналиши ҳисобланади. Бундай шериклик муносабатлари давлат ва хусусий секторнинг қучли томонлари ҳамда ресурсларини бирлаштириш орқали туризмни ривожлантириш, инфратузилмани такомиллаштириш ва хизмат кўрсатиш сифатини оширища инновацион ёндашувларни рағбатлантиради.

Туризм соҳасини ривожлантиришнинг замонавий тенденциялари ушбу иқтисодиёт соҳасининг барқарор ривожланишини таъминлайдиган ДХШни ташкил этишининг инновацион ёндашувларини жорий этишни талаб қиласди. Шундан келиб чиқиб, Ўзбекистоннинг туризм соҳасининг узоқ муддатли барқарор ривожланишига ўйналтирилган ДХШнинг янги иқтисодий модели ишлаб чиқилди.

Таклиф этилаётган моделнинг назарий асоси иқтисодий, ижтимоий ва экологик компонентларни ўз ичига олган барқарор ривожланишнинг **учлик**

<sup>7</sup> Дерябина М. Экономический анализ: ГЧП: теория и практика. Экономический портал (<http://institutions.com/general/1079-gosudarstvenno-chastnoe-partnerstvo.html>). М., 2009.

концепциясига асосланади. Ушбу модель туризм соҳасини узоқ муддатли барқарор ривожлантиришга қаратилган инновацион иқтисодий механизм ҳисобланиб, иқтисодий ўсиш, ижтимоий ривожланиш ва экологик барқарорлик ўртасидаги **мувозанатни таъминлашга** қаратилган. Давлат ва хусусий сектор ўртасидаги шериклик механизмлари орқали туризм инфратузилмасини модернизация қилиш, меҳмонхона ва сервис соҳасида янги иш ўринларини яратиш, маҳаллий жамоалар учун ижтимоий-иқтисодий самарадорликни ошириш ва атроф-муҳитга салбий таъсирни камайтириш имкониятлари юзага келади. Шунингдек, модель туризм секторининг ривожланиши учун манфаатдор томонларнинг ўзаро ҳамкорлигини рағбатлантириш орқали самарали бошқарув тизимини яратишни назарда тутади.

Ишлаб чиқилган модель қуйидаги эконометрик боғлиқлик шаклида тақдим этилиши мумкин:

$$SDT = \beta_0 + \beta_1 PI + \beta_2 GI + \beta_3 JC + \beta_4 EI + \beta_5 SE + \varepsilon$$

бу ерда: **SDT** (Sustainable Development of Tourism) – туризмни барқарор ривожлантириш интеграл кўрсаткичи; **PI** (Private Investment) – туризм инфратузилмасига хусусий инвестициялар ҳажми; **GI** (Government Investment) – туризм обьектларини ривожлантиришга давлат сармоялари ҳажми; **JC** (Job Creation) – туризм соҳасида яратилган иш ўринлари сони; **EI** (Environmental Impact) – туризм обьектларига экологик таъсир кўрсаткичи; **SE** (Social Effect) – маҳаллий аҳоли учун ижтимоий-иқтисодий самарадорлик кўрсаткичи;  $\beta_0, \beta_1, \beta_2, \beta_3, \beta_4, \beta_5$  – регрессия коэффициентлари;  $\varepsilon$  – тасодифий хатолик.

Моделнинг асосий устуналиги шундаки, у туризм соҳасининг барқарор ривожланишига таъсир этувчи иқтисодий, ижтимоий ва экологик омилларни ўзаро боғлиқ ҳолда таҳлил қилиш имконини беради. ДХШ механизмларининг самарадорлиги давлат ва хусусий секторлар ўртасидаги ресурсларнинг оқилона тақсимланиши, инновацион технологиялардан фойдаланиш ва жамият манфаатларини эътиборга олиш орқали оширилади. Бундан ташқари, ушбу модельдан фойдаланиш орқали туризм соҳасидаги стратегик қарорлар қабул қилиш жараёнини такомиллаштириш, инвестициявий жозибадорликни ошириш ва иқтисодиётнинг умумий ўсиш суръатларига ижобий таъсир қўрсатиш мумкин. Демак, ушбу иқтисодий модель нафақат туризм соҳаси ривожига, балки мамлакат иқтисодиётининг барқарор ривожланишига ҳам хизмат қилади.

Ишлаб чиқилган модельнинг амалий аҳамияти 2019-2024 йилларда Ўзбекистонда туризм соҳасида амалга оширилган ДХШ лойиҳалари (ДХШ элементлари мавжуд бошқа лойиҳалар ҳам) бўйича гипотетик маълумотлар (2-жадвал) асосида ўтказилган корреляцион-регрессион таҳлил натижалари билан тасдиқланган.

Олинган натижалар таклиф этилган модельнинг юқори статистик аҳамиятга эга эканлигини кўрсатади ( $R^2 = 0,87, p < 0,05$ ).

## 2-жадвал

### 2019-2024 йилларда амалга оширилган ДХШ лойиҳалари бўйича гипотетик маълумотлар жадвали

Йиллар	PI (млн \$)	GI (млн \$)	JС (минг иш ўрни)	EI (индекс)	SE (индекс)	STD (индекс)
2019	150	100	50	60	60	93,0
2020	180	120	55	62	65	108,2
2021	200	130	60	67	70	118,7
2022	220	140	65	70	75	129,0
2023	250	160	70	72	80	144,2
2024	300	180	75	75	85	165,5

Бунда STD ни аниқлаш формуласи қуйидагича:

$$STD=0.3\times PI+0.2\times GI+0.2\times JC+0.1\times EI+0.2\times SE$$

Шу асосда ҳисоблаймиз:

$$STD_{2024}=0.3\times 300+0.2\times 180+0.2\times 75+0.1\times 75+0.2\times 85 \quad STD_{2024}=90+36+15+7.5+17=165.5$$

2019-2024 йиллар давомидаги барча кўрсаткичлар шу тартибда ҳисоблаб чиқилди ҳамда натижалар умумлаштирилди.

Натижалар таҳлил қилинса, туризмнинг барқарор ривожланишининг интеграл кўрсаткичи (STD) 2019 йилда 93.0 дан 2024 йилда 165.5 гача барқарор ўсишни кўрсатмоқда. Бу Ўзбекистонда туризм соҳасининг ривожланишида ижобий динамиканинг мавжудлигидан далолат беради.

Тадқиқотлар асосида ўсишнинг асосий драйверлари сифатида қуйидагиларни келтириб ўтиш мумкин:

1. **Хусусий инвестицияларнинг ошиши (PI):** Хусусий инвестициялар 2019 йилда 150 млн. доллардан 2024 йилда 300 млн. долларга кўпайди. Бу туризм инфратузилмасини ривожлантиришга хусусий секторнинг қизиқишининг ошишини кўрсатади.

2. **Давлат сармояларининг ўсиши (GI):** Давлат сармоялари 2019 йилда 100 млн. доллардан 2024 йилда 180 млн. долларга кўтарди. Бу туризм объектларини ривожлантиришда давлатнинг фаол иштирокини тасдиқлайди.

3. **Янги иш ўринларининг яратилиши (JC):** Иш ўринлари сони 2019 йилда 50 мингдан 2024 йилда 75 мингга кўпайди. Бу туризм соҳасининг ижтимоий таъсирини кучайтириши ва маҳаллий аҳоли учун иш билан таъминлашнинг яхшиланишини кўрсатади.

Экологик юқ (EI) 2019 йилда 60 дан 2024 йилда 75 га кўтарилиганига қарамасдан, унинг STDга таъсири бошқа кўрсаткичларнинг ўсиши орқали қопланган. Бу туризм соҳасининг экологик таъсирини камайтириш борасидаги чоратадбиirlарни янада кучлирок амалга оширишнинг зарурлигини кўрсатади.

Ишлаб чиқилган модел асосида 2025-2030 йиллар учун прогноз кўрсаткичларини ҳисоблаб чиқиши учун 2019-2024 йиллардаги ўсиш динамикасидан фойдаланамиз. Бунда туризмни барқарор ривожлантириш интеграл кўрсаткичи (STD) ва унинг асосий драйверларини баҳолаймиз.

Формула:  $STD=0.3\times PI+0.2\times GI+0.2\times JC+0.1\times EI+0.2\times SE$

2019-2024 йиллардаги маълумотлардан фойдаланиб, 2025-2030 йиллар учун прогнозни ҳисоблаймиз. Бунинг учун ҳар бир кўрсаткичининг ўртача ўсиш суръатини

аниқлаб, кейинги йиллар учун прогноз қиласиз (3-жадвал).

**3-жадвал**

#### 2025-2030 йиллар учун прогноз қўрсаткичлари

Йиллар	PI (млн \$)	GI (млн \$)	JC (минг иш ўрни)	EI (индекс)	SE (индекс)	STD (индекс)
2025	344.8	202.6	81.3	78.4	91.1	186.3
2026	396.4	228.1	88.2	82.0	97.7	209.9
2027	455.7	256.7	95.7	85.8	104.8	236.7
2028	523.8	289.0	103.8	89.7	112.3	267.1
2029	602.1	325.3	112.5	93.8	120.4	301.7
2030	692.1	366.1	122.0	98.1	129.1	340.9

Натижалар 2025-2030 йилларда туризм соҳасининг барқарор ривожланишини ва инвестицияларнинг ортиб боришини қўрсатади. Давлат ва хусусий инвестициялар, янги иш ўринлари ва ижтимоий самаранинг ошиши SDT қўрсаткичининг сезиларли ўсишига олиб келади (1-расм).



1-расм. SDT қўрсаткичининг ўсиш диномикаси.

Шу ўринда, 2025-2030 йиллар давомида туристлар сони, туризм хизматлари экспортси ва жойлаштириш воситалари сони ўсишининг прогноз қўрсаткичлари ишлаб чиқилди.

Туристлар сони 2019-2024 йиллар оралиғида 6 748,5 мингдан 10 285,0 мингга ошган, бу йиллик ўртача 8,7% ўсишни қўрсатади.

2018-2024 йилларда туризм хизматлари экспортси 1 041 млн. доллардан 3 489,4 млн. долларга ошган, бу эса ўртача йиллик 22% ўсишни қўрсатади.

Жойлаштириш воситалари 2016-2024 йилларда кескин ўстган (609 тадан 6 153 тага). Охирги йилларда ўртача йиллик ўсиш суръати 12% атрофида бўлган.

Шу асосда юқоридаги кўрсаткичлар бўйича 2025-2030 йиллар учун прогноз кўрсаткичлари ишлаб чиқилди (4-жадвал). Ушбу прогноз кўрсаткичларидан кўриниб турибидики, “Ўзбекистон – 2030” стратегияси тўғрисида”ги Президент Фармонининг 58-мақсадида белгиланган хорижий туристлар сонини **15 миллионга** ҳамда туризм хизматлари экспорти **5 миллиард долларга** етказиш бўйича режалар ортиғи билан бажарилади<sup>8</sup>

#### 4-жадвал

#### 2025-2030 йиллар учун прогноз кўрсаткичлари

Йиллар	Хорижий туристлар сони (минг нафар)	Туризм хизматлари экспорти (млн.АҚШ доллари)	Жойлаштириш воситалари		
			Умумий сони	Хоналар сони	Ўринлар сони
<b>2025</b>	11 180	4 250	6 900	78 000	175 000
<b>2026</b>	12 150	5 200	7 750	87 500	195 000
<b>2027</b>	13 200	6 350	8 700	98 000	217 000
<b>2028</b>	14 350	7 750	9 750	110 000	240 000
<b>2029</b>	15 600	9 300	11 000	123 500	265 000
<b>2030</b>	16 950	11 000	12 300	138 000	290 000

Таклиф этилган моделни муваффақиятли амалга ошириш учун ДХШ лойиҳаларини мониторинг қилиш ва самарадорлигини баҳолаш механизми ишлаб чиқилган бўлиб, у қуйидагиларни ўз ичига олади:

ДХШ лойиҳаларининг умумий самарадорлигини баҳолаш учун интеграл кўрсаткич (**E**) ҳисоблаб чиқилади. Бунда юқорида келтирилган 2016-2024 йилги статистика ҳамда янги модел асосида 2025-2030 йилларга мўлжалланган прогноз кўрсаткичларидан фойдаланилади.

Қуйидаги формула асосида ҳисоблаш мақсадга мувофиқ:

$$E = \sum (\alpha_i \times KPI_i)$$

Бу ерда:

- $KPI_i$  – алоҳида самарадорлик кўрсаткичлари;
- $\alpha_i$  – ҳар бир KPI учун “оғирлик” коэффициенти (уларнинг умумий йигиндиси 1 га teng бўлиши керак).

#### 5-жадвал

#### Оғирлик коэффициентлари ( $\alpha_i$ ) тақсимоти жадвали

Кўрсаткич номи	Ўлчов бирлиги	2024	2025	2026	2027	2028	2029	2030	“Оғирлик” коэффициенти
Туризм соҳасидаги инвестициялар	млн \$	480	550	620	700	800	900	1000	0.25

<sup>8</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги “Ўзбекистон 2030” стратегияси тўғрисида”ги ПФ-158-сон Фармони, <https://lex.uz/ru/docs/6600413>

Кўрсаткич номи	Ўлчов бирлиги	2024	2025	2026	2027	2028	2029	2030	“Оғирлик” коэффициенти
Хорижий туристлар сони	минг киши	10 285	11 180	12 150	13 200	14 350	15 600	16 950	0.20
Туризм хизматлари экспорти	млн. АҚШ доллари	3 489	4 250	5 200	6 350	7 750	9 300	11 000	0.20
Яратиладиган иш ўринлари	минг киши	75	81.3	88.2	95.7	103.8	112.5	122.0	0.15
Жойлаштириш воситалари	дона	6 153	6 900	7 750	8 700	9 750	11 000	12 300	0.10
Экологик барқарорлик индекси	балл	75	78.4	82.0	85.8	89.7	93.8	98.1	0.10

Мисол сифатида интеграл кўрсаткичи (E)нинг ҳисобланишини кўриб чиқамиз.

#### 2024 йил учун:

$$E_{2024} = (0.25 \times 480) + (0.20 \times 10285) + (0.20 \times 3489) + (0.15 \times 75) + (0.10 \times 6153) + (0.10 \times 75)$$

$$E_{2024} = 120 + 2057 + 697.8 + 11.25 + 615.3 + 7.5 = 3508.85$$

#### 2030 йил учун:

$$E_{2030} = (0.25 \times 1000) + (0.20 \times 16950) + (0.20 \times 11000) + (0.15 \times 122) + (0.10 \times 12300) + (0.10 \times 98.1)$$

$$E_{2030} = 250 + 3390 + 2200 + 18.3 + 1230 + 9.81 = 7098.11$$

Бу ерда тенденция **2024 йилда E = 3 508.85** ва **2030 йилда E = 7 098.11 (+102%)**. Бу эса ДХШ механизmlарининг самарали жорий этилиши орқали туризм соҳасидаги умумий самарадорлик икки баробарга ошиши англашилади.

ДХШ лойиҳаларининг самарадорлигини узлуксиз назорат қилиш мақсадида уч босқичли мониторинг тизими таклиф этилади:

#### 1. Маълумотларни мунтазам йиғиш ва таҳлил қилиш.

- Ҳар чорақда асосий KPI кўрсаткичлари таҳлил қилинади;
- Туристлар оқими, жойлаштириш воситалари бандлиги ва инвестицияларнинг қайтарилиши мониторинг қилинади.

Масалан: Агар туризм экспорти 2026 йилда 5 200 млн. АҚШ доллари этиб режалаштирилган бўлса, лекин **амалий натижা 4 800 млн АҚШ доллари** бўлса, самарасиз омиллар таҳлил қилинади ва чоралар кўрилади.

#### 2. Мақсадли кўрсаткичларга эришишни баҳолаш.

- Ҳар йили режа ва реал натижалар солиштирилади;
- KPIлар ўртасидаги корреляция аниқланади.

Масалан: Агар **туристлар сони** режага кўра **12 150 минг**, лекин **амалий натижা 11 500 минг** бўлса, асосий сабаблар таҳлил қилинади (виза тизими, реклама

кампаниялари ёки инфратузилма муаммолари). Шунингдек, аниқланган муаммоларни бартараф этиш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилади.

### **3. Лойиҳалар параметрларини тўғрилаш.**

- Давлат ва хусусий секторнинг фаол иштирокини таъминлаш чора-тадбирлари белгиланади;

- Лойиҳаларга қўшимча инвестициялар жалб қилинади.

Масалан: Агар **жойлаштириш воситалари сони** 2026 йил режасига кўра **7 750 дона**, лекин амалда **6 900 дона бўлса**, янги меҳмонхоналар, хостеллар ва оиласий меҳмон уйлари ташкил этиш учун имтиёзли кредит ва субсидиялар дастурлари ишлаб чиқилади.

Таклиф этилган моделнинг илмий янгилиги қўйидаги жиҳатларда намоён бўлади:

1. Туризм соҳасидаги **ДХШ лойиҳаларининг самарадорлигини баҳолашда барқарор ривожланиш омилларини комплекс хисобга олиш**.

2. **ДХШ лойиҳаларини амалга оширишнинг ижтимоий-иқтисодий самараларини баҳолаш учун миқдорий кўрсаткичлар тизимини ишлаб чиқиш.**

3. Туризм объектларига **экологик таъсирни мониторинг қилиш механизмини жорий этиш**.

4. Туризм соҳасидаги **ДХШ лойиҳаларининг самарадорлигини хисоблаш методикасини яратиш**.

Шундай қилиб, таклиф этилган **ДХШ** модели давлат ва хусусий бизнеснинг самарали ҳамкорлиги орқали барқарор ривожланиш мақсадларига эришишни таъминлайдиган Ўзбекистонда туризм соҳасини ривожлантиришнинг илмий асосланган воситаси ҳисобланади. Унинг жорий этилиши туризм соҳасидаги **ДХШ лойиҳаларини амалга ошириш самарадорлигини сезиларли даражада оширишга имкон беради**.

Бундан ташқари, Ўзбекистоннинг туризм салоҳияти, ўзига ҳос жиҳатлари, бугунги кундаги ривожланиш ҳолатини таҳлил қилган ҳолда **ДХШ**нинг бир қатор янги моделлари лойиҳа концепциялари тайёрланди (6-жадвал).

**6-жадвал**

### **Ўзбекистонда туризм соҳасида қўлланиладиган истиқболли **ДХШ** МОДЕЛЛАРИ**

<b>Истиқболли <b>ДХШ</b> моделлари</b>	<b>Қисқача характеристикаси</b>
<b>PPCP (Public-Private-Civil Society Partnership) – давлат, хусусий сектор, фуқаролик жамияти шериклиги</b>	Бу модел давлат, хусусий сектор ва жамоат ташкилотлари ўртасида биргаликда туризм инфратузилмасига инвестиция киритиш ва уларнинг самарадорлигини оширишга қаратилган. Давлат соҳада олиб олиб борилаётган сиёsat ва имтиёзлар асосида қўллаб-қувватлашни таъминлайди, хусусий сектор лойиҳани молиялаштиради, бошқаради ва туризм хизматларини кўрсатади, жамоат ташкилотлари эса маҳаллий аҳоли ва маданий қадрияtlарни сақлашга, лойиҳалар самарадорлигини ошириш бўйича жамоатчилик назоратини олиб боришга ёрдам беради.

<b>GTPM (Green Tourism PPP Model) – “Яшил туризм” ДХШ модели</b>	Экологик тоза туризм инфратузилмасини барпо этиш ва барқарор ривожланишга қаратилади. Бунда Ҳукумат яшил сертификатта эга лойиҳалар учун ер ва солиқ имтиёзларини тақдим этади. Ҳусусий сектор эко-курортлар, барқарор транспорт ва чиқиндилярни бошқаришга сармоя киритади. Даромад тақсимоти модели орқали табиатни муҳофаза қилишга қайта инвестиция йўналтирилади.
<b>STIPM (Smart Tourism Infrastructure PPP Model) – Рақамли туризм инфратузилмаси учун ДХШ модели</b>	Сайёҳлар учун рақамли ечимларни жорий қилиш орқали кулай шароит яратишга қаратилган. Бунда давлат рақамли инфратузилмага (5G, ақлли киосклар, сунъий интеллект асосидаги туризм иловалари) инвестиция киритади. Ҳусусий сектор ақлли меҳмонхоналар, электрон гидлар ва блокчейн асосидаги тўлов тизимларини ишлаб чиқади. Маълумотлар асосида даромад тақсимоти амалга оширилади, ҳусусийлаштириш ва хавфсизлик яхшиланади.
<b>CHRPM (Cultural Heritage Revitalization PPP Model) – маданий ёдгорликларни жонлантириши ДХШ модели</b>	Тарихий ёдгорликларни тиклаш ва уларни иқтисодий жиҳатдан барқарор монетизация қилишга қаратилган. Бунда, Ҳукумат ҳусусий инвесторларга узоқ муддатли бошқарув ҳуқуқини тақдим этади. Ҳусусий сектор маданий обидаларни таъмирлайди ва тадбирлар, туризм хизматлари ҳамда брендинг ҳуқуқлари асосида фойдаланади.
<b>CBPPM (Community-Based PPP Model) – Маҳаллий ҳамжамият ДХШ модели</b>	Маҳаллий ҳамжамиятни микро-ДХШ тузилмалари орқали иқтисодий жиҳатдан қучайтиришга қаратилади. Бунда, Ҳукумат қишлоқ ҳудудларида инфратузилмани (йўллар, коммунал хизматлар) молиялаштиради. Ҳусусий сектор маҳаллий бизнес билан ҳамкорлиқда “бутик” меҳмонхоналар, ҳунармандчилик ва маданий турларни ривожлантиради. Даромад тақсимоти орқали мажаллий ҳамжамият тараққиёти учун қайта инвестиция амалга оширилади.
<b>MDPM (Multi-Destination PPP Model) – Мульти-дестинация ДХШ модели</b>	Ўзаро боғланган туризм кластерларини яратишни назарда тутади. Бунда, Ҳукумат виза талабларини соддалаштириб, минтақавий туризм йўлакларини ривожлантиради. Ҳусусий инвесторлар интеграциялашган дам олиш масканлари, транспорт - логистика ва умумий хизматларни ташкил этади.
<b>HWTPM (Health and Wellness Tourism PPP Model) – Тиббий ва согломлаштириши ДХШ модели</b>	Ўзбекистоннинг табиий ресурсларидан (термал булоқлар, тиббий туризм) самарали фойдаланишга қаратилган. Бунда, Ҳукумат соғломлаштиришга қаратилган курортлар ва соғломлаштириш марказлари учун имтиёзлар тақдим этади. Ҳусусий сектор люкс SPA масканлари, реабилитация клиникалари ва муқобил тиббиёт марказларини ташкил этади. ДХШ асосида халқаро ҳамкорлик йўлга қўйилиб, хорижий тиббий сайёҳлар жалб қилинади.

Ўтказилган таҳлил асосида Ўзбекистон туризм соҳасида ДХШнинг янги моделларини жорий этишнинг қўйидағи устувор вазифалари таклиф этилади:

**1. Кластер ёндашув асосида туризм инфратузилмасини ривожлантириш:**

- давлат ва ҳусусий шериклар ўртасида маъсулиятни аниқ тақсимлаш билан туристик кластерларни яратиш;

- инфратузилма лойиҳаларини биргалиқда молиялаштириш механизмларини жорий этиш;
- хусусий инвесторлар учун имтиёзлар ва преференциялар тизимини ишлаб чиқиши.

**2. Туризм хизматлари сифатини ошириши:**

- ҳалқаро сифат стандартларини жорий этиш;
- кадрларни касбий тайёрлаш тизимини ривожлантириш;
- хизматлар сифатини мустақил баҳолаш тизимини яратиш.

**3. Туризм объектларининг экологик барқарорлигини таъминлаш:**

- ДХШ лойиҳаларини амалга оширишда экологик стандартларни жорий этиш;
- экологик туризмни ривожлантириш;
- экологик таъсирни мониторинг қилиш тизимини яратиш.

**4. ДХШ лойиҳаларининг ижтимоий йўналишини кучайтириши:**

- маҳаллий аҳоли учун янги иш ўринларини яратиш;
- ёрдамчи фаолият турларини ривожлантириш;
- анаънавий хунармандчилик ва маданий меросни қўллаб-куватлаш.

Шу тариқа, таклиф этилган SDT модели ҳамда бошқа ДХШ моделлари Ўзбекистонда туризм соҳасини ривожлантириш учун илмий асосланган воситалар бўлиб, давлат ва хусусий бизнес ўртасида самарали ҳамкорликни йўлга қўйиш орқали барқарор туризмни ривожлантириш мақсадларига эришиш, мамлакатнинг туризм салоҳиятидан келиб чиқсан ҳолда самарали ДХШ механизмларини қўллашни таъминлайди.

Уларнинг амалиётта жорий этилиши туризм соҳасидаги ДХШ лойиҳаларини амалга ошириш самарадорлигини сезиларли даражада оширишга ҳамда Ўзбекистонда туризмни ривожлантириш бўйича “Ўзбекистон-2030” стратегиясидаги мақсадларга эришишга имконият яратади.

Шундай қилиб, туризм соҳасида давлат ва хусусий сектор ҳамкорлиги жаҳон миқёсида ўзининг юқори самарадорлигини исботлаган бўлиб, Ўзбекистонда ҳам ушбу механизмлардан самарали фойдаланиш туризм инфратузилмасини ривожлантириш, янги иш ўринлари яратиш ва иқтисодий ўсишга ижобий таъсир кўрсатади.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Морковская Е.И., Механизмы государственно-частного партнерства, Теория и практика // Учебник и практикум, Москва, «Юрайт», 2019 г., с.14.
2. Варнавский В.Г., Партнерство государства и частного сектора: форма, проекты, риски. Москва, Наука, 2010.
3. Norment, R. Fundamentals of Public-Private Partnerships (PPPs), 2007, : [www.ncppp.org](http://www.ncppp.org).
4. Rosenau, P. Public-Private policy partnerships // Cambridge, MA: MIT press, 2000.
5. Clare A. Gunn “Public-private partnership in tourism”, Oklahoma Tourism and Recreation Conference, 1976.

6. Kabirov I.S. "Theoretical aspect of public-private partnership in the sector of tourism", Economics. 2010.
7. Ezreth, "PPP and CPPP models for sustainable tourism development in Kerala tourism in Kerala", International journal of business and administration research review, Vol.2, Issue, Jan-March 2014.
8. Can Seng "State-Civil society relations and tourism: Singaporeanizing tourists, Touristifying Singapore", Journal of social issues in Southeast Asia/ Vol.20, No.2, 2005.
9. María José Zapata, C. Michael Hall "Public–private collaboration in the tourism sector: balancing legitimacy and effectiveness in local tourism partnerships. The Spanish case" Journal of Policy Research in Tourism, Leisure and Events/ Vol. 4, No. 1, March 2012, 61–83
10. Дерябина М. Экономический анализ: ГЧП: теория и практика. Экономический портал (<http://institutions.com/general/1079-gosudarstvenno-chastnoe-partnerstvo.html>). М., 2009.
11. Bramwell B. and Lane B. Towards innovation in sustainable tourism research? Journal of Sustainable Tourism, Vol. 20, No. 1, pp. 1-7, 2012.
12. UNEP Report on Ecotourism and PPPs, Costa Rica Case Study, 2020.
13. Saidov U.U. Conceptual foundations of applying public-private partnership mechanisms in the tourism sector. Yashil iqtisodiyot va taraqqiyot, 2024, №8, 847 p.

Copyright: © 2025 by the authors. This work is licensed under a Creative Commons Attribution- 4.0 International License (CC - BY 4.0)

